Сабри тутаб токат устихонга етди.
Ёш жонига жабр этиб неча ёшлар,
Каноат килолмасдин канчаси ўтди.

Дунё факат чилатанга яраглан,
Чилатанга умрига зомин бўлиб.
Барчасидин кечиб ўзин осворган,
Бола-чака жигарларидин кечиб.

Ажал этиб, бемор ўлса майли,
Жонга жабр этмоқлик бу-шаккоқлик.
Ўн гулдан бир гул очилмай хали,
Одамзотга лойикмас бу - бедодлик.

Яккалик

(Дўн)

Хастим остин-устин бўлиб кетди,
Ота-онам, жигарлар вафотидин.
Куруқ жисмим бу дунёда колиб кетди.
Уларсиз ўтган умрим жафосидин.

Гоҳо ўйлаб гам-андухдин адоман.
Айриликни калбга ўйиб соламан.
Локал биронта жигар колмабди,
Якка колган холим кима айтаман.

Такдир азал не гурбатлар солмади,
Ота-она ўлмок мерос чиладим.
Улардин сўнг бирон жигар колмади,
Менга навбат қачонлигин билмадим.

Фарзандлар кўп, лекин улар ўз йўли,
Хали аримайди карогим хўли.
Юрак ўртар яккаликнинг азаоби,
Ханузгача ёғар хастининг дўли.

Виждонига хавола

Ноумид кайтарма девона келса,
Кимлигидан катъий назар сўранса.
Асли ўзига бекаму-кўст бўлса,
Бу унинг виждонига хаволадир.
“Манман” - деганлар ҳам бир кун вайронадир.

Имкон қадар бир пиёла чойинг бер,
Маюл келмаса дулма таоминг бер.
Тунашга жой сўрса, хатто жойинг бер,
Бу унинг виждонига хаволадир.
Одамсеварликка койил қоладир.

Девона кўрinishида Хизр келсачи,
Давлатинга кетмас давлат берсачи.
Қилган яхшилигинг сабаб бўлсачи,
Бу унинг виждонига хаволадир.
Кўз бўяса бир умр сарсонадир.

Худойим яратган одам хар хилли,
Барча ярагандир забонли, тилли.
Биринчи ўринда бўлиш виждонли,
Бу инсон виждонига хаволадир.
Рўзий савоб олиш-чун овворадир.

Хамдард

Хамдард излаб тополмайман эй фалак,
Қалбимга малхам дўст берсанг не бўлгай.
Ёки юбор сипо, гул юзли малак,
Зеро ғариб кўнглим нурга тўлдиргай.

Қалби дилим хамдами бир ёр бўлса,
Сирлашгани дўсти бегубор бўлса.
Не демоклигинг кўзингдин пайкаса,
Хар қандай ишда сенга вафодор бўлса.

Хамдард очир кунингда шерик бешак,
Бўлиб ейсан битта майиз ҳам туршак.
Шундай дўстни топгинки жони фидо,
Яхши-ёмон кунингда турмоқ керак.

Хамдард бир-бирин гапин икки қилмас,
Унинг бир сўзини зинхор йўқ демас.
Унга иллинади насиба саклаб,
Рўзий кунлик таомин усиз емас.

Аввал фикр кил

Э биродар ўзинг шеър ёзолмасанг,
“Кўй энди” - ёзгани кўролмасанг.
Бундин сенга нима наф бор билмадим,
Барибир ўзинг қалам тебратолмасанг.

Мени онгим, вақтим кетар кўз нурим,
Тобутдошимиз шопир бўлди ғурур кил.
Бахиллик бир куни куритар шўринг,
Шеърим аввал ўки, сўнгра фикр кил.

Эх! Одамлар нечун хар хил туғилгансиз.
Кўролмас, ич кароликдин бўғилгансиз.
Гоҳо хайрон бўлурмен яратгандин,
Нечун бандларни хар хил яратгансиз.

Асли бу касаллик наслдин ўтар,
Яхши-ёмон бўлишлик кўлингдандир.
Атрофингга боқчи, ким ибрат касб этар,
Битиб-билмаслик хар ким ўзидадир.

Ихлосим

Бу оламда мен кўрмаган иш қолмади,
Бу дунёнинг не-не савдоси тушмади.
Ғанимлар куруқ тухмаглар ёғдириб,
Кўйдилар юракка ғулғула солиб.

Куруқ тухмат бевакт ўлимдин асраса,
Худойим рахнамо бўлиб кўлласа.
Унга мадҳ, санойим оғзимдин кўймай,
Сажда қилмоқдман ўзини кўрмай.

Гоҳ сени ёмон йўлдин қайтариб,
Кўлимизга қурьон, хадис ушлатиб.
Тўғри йўлга соласиз “умматим” - деб,
Отоҳ бўлгил сенга бу “химматим” - деб.

Кўрсатмангдин юрган одам хато қилмас,
Баъзилар бор, курмак мисол ўзни билмас.
Чин бандангман ўзингдандир бу ихлосим,
Барчадин ягонадирсан халосим.

Тасаввур

Бир кун аёл қилган ишини,
Қилоларму йилгиту-эркак.
Қалбида кечган хоншинини,
Билолмайди афсусу бешак.

Болага парвона тонгтача,
Барча юмуш унинг бўйнида.
Шу холда тиним йўк кечтача,
Келди-кетди меҳмон измида.

Қайдан олган шунча қувватни,
Шунча каноят матонатни.
Бир кун бу ишни, эркаклар қилса
“Раҳмат” - дер аёлда шижоатни.

Темир хотин қилиб яратган,
Момо Хаводек ном таратган.
Сизсиз оиламиз девори,
Неча кунга етмай нураган.

Бир кун аёл қилган ишини,
“Манман” - деган эркак қилолмас.
Бошга кўйиб қадрланг уларни,
Нечун эрлар буни билолмас.

Холисона

Бу кун ўзимдин ўтганин ўзим билиб,
Сирни бермасдин ўзгага қулиб бокиб.
Эл оққан дарёда кўп билан оқиб,
Тинч осуда умримга шукрона дейман.

Ўзимдин ортгилса закот ҳам бериб,
Йўқсилга ёрдам, нажот қўлин чўзиб.
Ёмондин ўзимни нарирок олиб,
Фикрлар баёнин холисона дейсан.

Яхшига яхшилик қилишим аён,
Ёмонга яхши бўлиш қилурман баён.
Дунёда яхшилик тарқалсин хар ён,
Хар ким хар нарсага муўтағо дейман.

Хатто бир пашшага озор бермасанг,
“Қамбағал” - деб кўнглини ранжитмасанг.
Олгоҳдин бир нафас умид узмасанг,
Тинч, осуда умринга шукрона дейсан.

Беш юз йил гуллатиб

Дунё тан олди Бобуршоҳ, ширини,
Олқишлаб ўзбекдин чиқкан ғурурини.
Забт этди уч юз аскарла Хиндистонни,
Олам кўрмаган бундайин ботирини.

Анлизондин чиқкан сўнг Мирзо Бобур,
Вафодор уч юз навқари бор эди.
Азиз опаждони Хонзодабетим,
Унга ҳамроҳ хар ишида ёр эди.

Тоғу-таҳт талашиндин безган Бобур,
Хинд диёри томон шикор айлади.
Унга мадаккор юзбоши Тохир,
Йўлма-йўл навқарлар кўша бошлади.

Хиндистонда етти юз аскар билан,
Иброҳим Лодига қарши чиқди.
Тирноғигача қуролланган душман,
Шу кун каттик жангда таслим бўлди.

Сарқардалик маҳоратин ишга солиб,
Шу тарика Хиндистонни эгаллади.
Беш юз йил доврўти дунё тарқалиб,
Бобурийлар сулоласи бошқаради.

Ғамхўр (Ўзинин ўзга)

Дард эгаллаб олса нетасан,
Бу дардингни кимга айтасан.
Бошинг олиб қайга кетасан,
Ё арзинг қабул қилувчи борми,
Худодин бошқа ғамхўринг борми.

Дард бергувчи ҳам билсанг ўзи,
Жонинг оро киргувчи ўзи,
Ерда яқсон қилувчи ўзи,
Худодин бошқа ғамхўринг борми,
Тинглаб чора кўргувчи борми.

Ғам келганда сабр бергувчи,
Қаноатинг синаб билгувчи.
Нима керак бўлса олгувчи,
Худодин ўзга ғамхўринг борми,
Сир-асроринг сезгувчи борми.

Тана бошқа дард билмас - дейди,
Яхши бўлсанг Худо безмас - дейди.
Икки олам ташламас - дейди,
Худодин ўзга ғамхўринг борми,
Ё арзинг қабул қилувчи борми.

Ох!

(Гўдакларни сарсон қилган ота-онани ким дейиш мумкин!)

Хаёт шундай қурилган,
Кимга тўй, кимга аза.
Қилмишига яраша,
Ҳар ким олгайдир жазо.

Дунёлар вафо қилмас,
Ким ўзлигини билмас.
Гўдаклар сарсон бўлур,
Кўйди-чинқиллар тинмас.

Бир оила бир хаёт,
Бўлсин дунё конуни.
Йашаш беш кунлик уят,
Шуми умр мазмуни.

Чидаланга чикарган,
Борми инсоний ибо.
Гўдаклар хурмати-чун,
Қилмок керақдир вафо.

Ота меҳрига тўймай,
Ўзга отани сўймай.
Не кечар улар холи,
Ким тўтрилигин билмай.

Дойкалангач хаёти,
Кейин асло тинимас.
Хатто Оллоҳ оятти,
Уларга таъсир қилмас.

Афсус сарсона гўдак,
Уларнинг не гуноҳи.
Бир кунни тутгай бешак,
Болажонлар дард, охи.

Беғараз ва соз

Хаётни, тинчликни ўйламаганлар,
“Худо” - деб осойиш яшасанларчи.
Ҳар бир кунига шукур қилмаганлар,
Ҳеч бўлмаса охиратни ўйласангчи.

Беш кунлик умрда тоза яшлагин,
Қинғирлигу, қувлиқларни ташлагин.
Еган, ичганингни сира талашма,
Пешона тер нонинг ҳалол тишлагин.

Бирон инсон кўнглига озор берма,
Кўнгли эгри билан суҳбатдош бўлма.
Манманлик ёлғиз Яратанга хос,
Ўзингни ўзгадин ҳеч устун билма.

Ҳар бир кунинг ўтсин беғараз ва соз,
Нима бўлди холи кеккайган ул фоз.
Ҳазрат инсонга вафо, садокатда бўл,
Борлигинг тинчлик-чун айла сарафроз.

Хисса

Шеърхонлик мента катта бобомдин ўтган,
Бахшичилик ҳам улардин мерос колган.
Дутор чагиб кўшик айтса сел қилиб,
Бобомда бори асли наслдин сурган.

Шоир бўлишим сабаби шундандир,
Келиб чиқиш олдий инсонлардандир.
На санъаткор, наки шоир бўлмаган,
Барчаси Яратган хоҳишидандир.

Неча йил куйладим эл оросинда,
Мингдин ортлик шеър, назм ёлладимда.
Шу замин бўлдими шоирлигимга,
Эл назарига тушдим чамасинда.

Қирк йилки санъатнинг нонин едим,
Олпохта шукрона хамдлар - дедим.
“Қолган умрим бекорга ўтмасин” - деб,
Йигирма уч китобимга авторлик қилдим.

Хаётимга бокиб тинмай ёзурмен,
Алишер бўстонин излаб кезурмен.
Рўзий бир заррасин ўргана олсам,
Назмиётга хисса кўшган бўлурмен.

Муносиб

Хаёт жаннатдин иборат эмас,
Унинг кўлдир ўнқир-чўнқир.
Одамзотни тушуниб бўлмас,
Кўз очини бор, туғма сўқир.

Шундайлар бор, йўлингни пойлаб,
Кет-кетингда кутиб, мўрағаб.
Хато қилишингни кутарлар,
Керак бўлса гоҳида йиллаб.

Насихатим тўғри бўл ўғлон,
Ахир сенку Ҳазрати инсон.
Номингга муносиб иш қил хар он,
Сендин колсин тўғри сўз унвон.

Зоти инсонни қовловчи бўлма,
Ўзингдин камдин қултувчи бўлма.
Кам етил, кам ухла, кам сўзла,
Бахилнинг боғи кўқармас бўлма.

Рўза – сабр канотдир

Ўттиз кун сабр, канот дастур этиб,
Рўза тутдик ёлғиз Худоба атаб,
Ўзин ягоналигига тан Бериб,
Рўзаи рамазон тухфасин мактаб.

Одам соғлигига катта фойдадир,
Ички аъзоларни тозадагувчи.
Ўттиз кун чекланиш асл қайдадир,
Сабр, матонатни тарбияловчи.

Хам Исломиий, хам одамий тушунча,
Туттанларнинг қалби очилур канча.
“Яратганинг йўлига” - деб тутишлик,
Ижобат бўлсин-чун дуо қилишлик.
Биэга ота-бооболардин мерос қолган,
Кўнглига тутанмас аланга солган.
Оилада ҳеч бўлмаса бири тутса,
Олғохим қолганлардин ризо бўлган.

Виждон

Нима хам бўлдию машина,
Бир дайди итти босиб кетди.
Инсофли бир одам уни кўмгунча,
Дайди ит чеккада сасиб кетди.

Махаллага мурожаат қилсам,
“Эгасини топиш керак” - деди.
Эгасини роса изласам,
“Мени итим эмас, бешак” - деди.

Уч-тўрт кун шу ётишда ётиб,
Хамма ёкка касал таркатиб.
Ёнида ресторан, чойхона,
Чора кўрмадилар била туриб.

Охири бир қалби пок инсон,
Кўмиб ташладино, бўлиб хайрон.
Ёқасини ушлаганича,
Деди - одамларда қолмабди виждон.

Оташ ёкиб...

Қалбимнинг кўрида туғёнларим кўп,
Қайнар булоқдайн чинқайдир бир тўп.
Ўқингиз, ўқингиз маъноларин хўп,
Сўзлар хазинасин тошган бўласиз.
Ижодим марғзин чаккан бўласиз.

Яратган эъзозлаб бергандир мента,
Майли ўқинг фойдаси тегсин сизга.
Муҳлисим кўтайса ишларим ўнгда,
Сўзлар хазинасин тошган бўласиз.
Ҳақиқий назмни ўқкан бўласиз.

Шеърдин кўтаринки шукх олурмен,
Ёзиб бўлгач кушдек енгил бўлурмен.
Ўзим еттинчи осмонда билурмен,
Сўзлар хазинасин тошган бўласиз.
Ёмонларни йўлга солган бўласиз.

Мен-чун шеър Оллоҳ берган хазина,
Фикр, туғёнларимдан бир намуна.
Манзур бўлса, раҳмат Рўзий камина,
Сўзлар хазинасин тошган бўласиз.
Қалбингизга оташ ёккан бўласиз.

Махсул

Нафакага чинқан сўнг вақт бемалол,
Ким сихаттоҳ, ким курортга боради.
Озоринг йўк ҳеч кимга бермай малол,
Чойхонада ошхўрликни қилади.

Айрим кимсаларнинг хоббиси шахмат,
Ўйнашади бир-бирини қилар мот.
Кеҳсаликни хар хил қаришлари бор,
Кимларнидир устидин қилиб тухмат.

Шунга шукр - дейман нафақа ёшда,
Не кунлар ўтмаган бу ғариб бошда.
Урими бир кунни бекор ўтмади,
Ижодидан ҳеч манфаат кутмади.

Фақат шеърла банд бўлдим уззу кунни,
Гоҳи илҳом келур кечалар тунни.
Беозор ижодим мента ҳамроҳдир,
Ўзал шеърлар бедор тунлар махсули.

Түгён

Ярк этган фикрлар калбим чулғаса,
Хайним банд этиб нари кетмаса.
Ёзунимча “мени ёз” - деб күймаса,
Айтинг кандай калб түгёнин ёзмайин.

Ахир будир Оллох берган ижодим,
Ахир шудир калб тубидин фарёдим.
Менга бўлиб колгандай зурриёдим,
Айтинг нечун калб түгёнин ёзмайин.

Бўлиб колди дил мулкимга пайвандим,
Фарзангларим каторида дилбандим.
Гар ёмасам эзилгай банди-бандим,
Айтинг кандай калб түгёнин ёзмайин.

Шеврга канча вақтим, умрим сарфладим,
Шеврдин кўнглим тўлдим ёки тўлмадим.
Бу йўлга кирдим лек афус чекмадим,
Айтинг нечун калб түгёнин ёзмайин.

Сархисоб

Хар ўтган дам биродар,
Калб кўзгусида колсин.
Дўст-ёринг бўлсин мадор,
Мехр-окибат тўлсин.

Чунки ёруғ жаҳонга,
Барчамиз хам мехмонимиз.
Беш кун яшанг омонда,
Калби тўла иймонимиз.

Шундай ўтаркан кунлар,
Шукр ризки-рўз бутун.
Киёслаб ою, йиллар,
Юрак бағримиз бутун.

Оила даврасида,
Осойишта не етсин.
Одам катрин билмаса,
Салкаи одам кетсин.

Умр шудир сархисоб,
Хар йилнинг гашти ўага.
Хаглолан беринг хисоб,
Покланиб еган туага.

Кўзойнак

Икки кўша ойнаси,
Кўзга берур малҳами.
Ҳар икки палласида,
Рўю замин сайкали.

Кўзойнагим билсангиз,
Юз таърифга лойиқдир.
Кексайиб адашсангиз,
Шаму, чирок, йўриқдир.

Ҳам ўқийсиз, ёзасиз,
Усиз не тонг озасиз.
Яхши кўрмай есангиз,
Хатто таом мазасиз.

Кўз кўрганга не етсин,
Кўрмаганлар не қилсин.
Тугмали басирларга,
Худойим кушод берсин.

Вақти соати келиб,
Кўрдин кўра, кўзойнак.
Умрку ўтар елиб,
Чинчилмай мўйчинак.

Ташла

Қалбим кўймайди хонишни,
Ишқингга чандон ёнишни.
Сенчи гўё томошабин,
Узоқдин сирли боқишни.

Чехранг кўз олдимдан кетмас,
Охларим сенгача етмас.
Қалбга оташ ёқиб кўйиб,
Мени аҳволим менсимас.

Ёндиравергин жаноним,
Менманку сенга ёмоним.
Ҳижронингга куйдиравер,
Бахтимга бўлгин омоним.

Менга вафо қилмасангда,
Севги уйин курмасангда.
Фақат бахтли бўлсанг бўлди,
Мени ёринг билмасангда.

Энди сени унуттиш йўқ,
Қалбга туширгансан-ку чўғ.
Алдовларинг хали канча,
Ташла ёлгон одатинг шўх.

Тан бериш йўк

Орадан неча кун ўтар ўтмайин,
Сенга бўлган соғинч алапта олди.
Ё куттишни, кутмасликни билмайин,
Қалбда ишқинг ўтин оташи ёнди.

Ёшимга нисбат, шу менга дозимми,
Ё Худойим берган оғох, тайзикми.
Қалбим унинг қалбин муҳрибанд этди,
Кексайган чотимда ногоҳ шодликми.

Бор-йўғи ярим соат дийдорлашдик,
Кўз имоси кўзи билан сўзлашдик.
Ва ниҳоят кетар чоғи келгандя,
Ишқий сирларимиз баён этишдик.

Бу жудаам қисқа муддатда бўлди,
Йигитлигим сўнмагани билинди.
Етмиш - деган ёшимга тан бермайин,
Кўнглил кўргуур ажиб хушнудга тўлди.

Боттувчи бўлма

“Қарилдим” - деб тарки-дунё қилмагил,
Бўлар-бўлмас гапни дилга олмагил,
Кўнглин иш келмас сифат бўлмагил,
Кўнглинганга оғир гап олгувчи бўлма
Хасрат ботқоқига боттувчи бўлма.

Ўзи беш кун яшаб ўтиб кетасан,
Бемор бўлиб ётиб қолсанг нетасан.
Барча йиққанингни ташлаб кетасан,
Кўнглинганга оғир гап олгувчи бўлма.
Вақти келмасидин кеттувчи бўлма.

Юракни асра оғир сўз ботса ҳам,
Ношуккурлар тизги гаплар отса ҳам.
Кўнглинган кенг қил, сени чайнаб, сотса ҳам,
Елканганга оғир юк ортувчи бўлма.
Ўзингдин пастга сир берувчи бўлма.

Абад яшаш ҳеч қимга берилмаган,
Тўрт сўм тоғиб қош, қовоқ керилмаган.
Синмаган тешикка бош суққилмаган,
Кўнглинганга оғир гап олгувчи бўлма.
Нодон улфатида юргувчи бўлма.

Хикоят

(Бир ошқиклик тарихидин)

Каерданам сента бу кўзим тушди,
Хаёл кабутардек учди-ю кетди.
Кўлларим ногохон белингдин кучди,
Сиймоларинг кўз олдимдан кетмайин,
Ўзимни кўйишга жой тополмайин.

Шунчалар хам бўлуржаним боғланиш,
Сента етмакликка кўнгил чорланиш.
Васлинг умидида хар кун доғланиш,
Сиймоларинг кўз олдимдан кетмайин,
Ўзимдин ўзга билмас сирим айтмайин.

Бу дардимма бир чорасин топсангчи,
Соғинчларим бир давосин қилсангчи,
Ноз карашма қилишларинг кўйсангчи,
Сиймоларинг кўз олдимдан кетмайин,
Ошигингни айладингку бетайин.

Бу савдодин не қилиш билмай қолдим,
Ўзимда кетгувчи ғавғони олдим,
Ишк элига ушбу сабоқни ёздим,
Сиймоларинг кўз олдимдан кетмайин,
Рўзи Очил муродига етмайин.

Булбул навоси

Бир тўда қушлар сайрайди боғимда,
Қайси қушнинг сезаман шу онда.
Қалдирғочим уяси чорбоғимда,
Дек булбулим наволари ўзгача.

У сайраса ўтмишим ёлга тушиб,
Бевафога нисбатан ғазаб жўшиб.
Сайрашидин юрагимга ўт тушиб,
Дек булбулнинг наволари ўзгача.

Сайроғидин дилим ўртаниб кўяр,
Сенга ўтган онлар дардимни кўзгар.
Хар сафар бу кўнгил орзуқилиш тўяр,
Дек булбулим наволари ўзгача.

Сайрашингда ажиб хислат бор экан,
Хар ғал белавони эслатар экан.
Айрилиқ кўшигин қуйлатар экан,
Дек булбулнинг наволари ўзгача.

Қара булбул айрилиқдин чалмоқда,
Етмаган севагдин алам олмоқда.
Рўзий қалбим такдоран эзилмоқда,
Дек булбулим наволари ўзгача.

АВЛОД ДАВОМ ЭТМОҚДА

Йигирма уч дона набирадан сўнг,
Шукрона ўзига эвара кўрдик.

Бу саломатликдин билинг нишона,
Тўрт мучал туталликда шу кунга етдик.

Эварали бўлган бор, бўлмаган бор,
Бу кунларга етган бор, етмаган бор.
Бувалик роҳатин билган, билмаган бор,
Шундай бир катъиян тўхтамага келдик.

Саломатлик бўлса эвара ҳам кўрдик,
Яратганга хамду-санолар дедик.
“Етказди” - деб кўша кўйларни сўйдик,
Тангри хоҳишини ягона билдик.

Эвара - бу авлод давомчисидир,
Сени номинг кўтариб юртурувчидир.
Исминг мангуликка қолдиртурувчидир,
Йўқдин бор қилгувчи ўзингсан дедик.
Барчаси ўзингни қароматингдин,
Бандаларинг барчаси саломатингдин.
Берган умри жонинг омонатингдин,
Бу дунё вақтинча ўткинчи билдик.

ИСЛОМИЙ УДУМ

(Сумалак сайти)

Дошқозонда сумалак,
Қизлар қоши камалак.
Козоннинг атрофида,
Барча гирдиқалак.

Чилдирмани чагишиб,
Лапарлардин айтишиб.
Биргалликда куйлашар,
Рақсларга тушишиб.

Ким козонни қовлаган,
Кимлар ўтин қалаган.
Кўпчилик билан битар,
Юмуш бирга қилишган.

Силлик тош кидирешар,
Яхши ният қилишар.
Дилда орзусин айтиб,
Козонларга ташлашар.

Эскидин удум қолган,
Козонга тош ташлашадир.
Козондин тошин олгач,
Бир умрга саклашадир.

Сумалак пишгунича,
Бир-бирин меҳмон қилур.
Хизмат қилса, қилмаса,
Сумалак ялаб кўрур.

Бу сумалак базмидир,
Исломиийлик удмидир.
Биз ўшалардин қолган,
Темур бобо наслидир.

СИНОВ

Бошингдин ўтган кунларнинг барчаси,
Хотирангда эртак бўлиб қоларкан.
Ёшлигинг, шўхлигинг боис сабабчи,
Хар сафар ёлга тушса алам оларкан.

Бажарганим эртақларда қолибди,
Бажармаган армонга айланибди.
Ёлга тушса ўша армон ўртайди,
Кексайганда кетмас дахза солибди.

Эсларкансан нималар қилганингни,
Сирдошларда сирлашиб ўтганингни.
Қарисанг ҳам сира умид сўлмаскан,
Ҳойибидин синовт қутганингни.

Қариганинг белгиси кўп бўларкан,
Бир умр ўзинин нажот қутаркан.
Бошингта турли хил армонлар солиб,
Умидларга буржаб синаб кўраркан.

ЎТКИНЧИ МУХАББАТ ОТАШИ

Қайлардасан хаёл бўлган тўзалгим,
Сенга бағишладим дилга ғазалим.
Сен ўзингку ҳам шириним асалим,
Фақат сенинг муҳринг абадга қолган,
Қалбимда мухаббат оташи ёнган.

Танамда қон жўшганда қайда эдинг,
Йигитлик сўнганда нечун йўлиқдинг.
Ўртаб, тирнаб юрагим парчалаб кўйдинг,
Сенга нисбат соғинч хистари қолган,
Қалбимда мухаббат оташи ёнган.

Ёнгандан ёнғай ҳеч тўхтамасдан,
Сени соғинар бедор ухламасдан.
Хаётида ором йўқ тинчимасдан,
Менга ёлгор лабларинг таъми қолган,
Қалбимда мухаббат оташи ёнган.

Сен мени унутдинг эсламайсан ҳам,
Қимга керак бу чоғ йўқламайсан ҳам.
Сирли ишқимиздан сўзламайсан ҳам,
Эхтиросинг мен-чун мангута қолган,
Қалбимда мухаббат оташи ёнган.

Истагинг бўлмас

Асли кишлоклик шоир бола келди,
Қабниннг тубидан нола келди.
Икки гул чирмашса гул-лола келди,
Кутганим, истагим зора бўлсайди.

Нодон ўйга етмас асли фаромуш,
Гул-лола орасидин кил ўтмасмиш.
Одамзоғда бахиллик тутамасмиш,
Яратгандан тилаганим бўлсайди.

Лекин зинхор айтганинг бўлмас билсанг,
Бу йўлда хаттоки жонингни тиксанг.
Ўзи истагани бўлмиш тан берсанг,
Кўксимга Унинг хохиши тўлсайди.

Не истама изни ила бўлажак,
Хар ким бахти бир кун ахир кулажак.
Тоza иймон билан Ундан сўражак,
Нури, кўри дил кўримда тўлсайди.

Юз бора шукр

Хар кун эрта тонгда бобо кўёшни,
Омон-эсонликда кўрганамга шукр.
Дилдан ҳеч кўймайин Тангри номини,
Шу кунларга етказганига шукр.

Хар ким тирикчилик ништа шошади,
Қалбида кўп туғёнларни очади.
Тинчлик истаб ёмонликдин кочади,
Истиқлол нашъасин сурганга шукр.

Юртим чиройингга мафтун боқаман,
Хумо кушдек эркин канот коқаман.
Ижодимдин манзур элга ёқаман,
Жаннат маконимга беадад шукр.

Бу кунларга етан бўлди, етмаган.
Ораулари армон бўлиб кетмаган,
Хориқда ох тортиб алам ютмаган,
Бу давру даврона юз бора шукр.

Ўзининг назидида бўл

Хайт муаммога тўласан,
Барча ишни йўл-йўриги бор.
Бир куни тун, бир кун ёрусан,
Кимдир сени сўзларингга зор.

Такдирга тан бермасанг бўлди,
Фойнг учун курашдан толма.
Ичкаролар ғаразга тўлди,
Лекин шунки ўзингга олма.

Яратганнинг хар бир инсонга,
Букорган бир назари бордир.
Кизикма ўткинчи унвонга,
Насиб қилгани сенга ёрдир.

“Ишим юрмади” - деб ўксима,
Худойимнинг назидида борсан.
Бир кун беришидин қисмаса,
Умид, армонларингга корсан.

Эхтиёт бўл

Элнинг ичидасан одам танлама,
Бўлар-бўлмас гапларни кўп тинглама.
Ўзинг билмас ишларга бошинг суқма,
Бозор кўрган одамдин эхтиёт бўл.

Ким оёқда юрур, ким эса тилда,
Бир хил инсон бўлмас уллар хар хилда.
Масаллик пишганда бўлур хил-хилда,
Бозор кўрган одамдин эхтиёт бўл.

Кўл учиди мулоқотда бўлгайдир,
Юз, кўзидин бу билиниб тургайдир.
У ўзини не куйларга солгайдир,
Бозор кўрган одамдин эхтиёт бўл.

Ёмонлигин билсанг хамки сир берма,
Унга нисбатан ёмон ниёт қилма.
Эй Рўзай сиз сўзингги санга бурма,
Бозор кўрган одамдин эхтиёт бўл.

Шоирлик меҳнат билан

Қандай шоир бўлганим кўп ўйлайман,
Хар кимга ҳам эмас, шоир бўлмоқлик.
Ё номим, ё чангим чиқсин излайман,
Шоирлар бўстонини кезиб билмоқлик.

Ким ибрат олмаса ушбу бўстондин,
Шоирликни хаёлга келтирмасин.
Ким билмоқ истаса Ҳазрат чаманидин,
Ўргансин, аммоки доғ туширмасин.

Гар шоир бўлмоқлик тақдирда бўлса,
Буёқ шоирларни ўқи, ўргангин.
Улар шерьияти қалбингга тўлса,
Бу дастурамални дилингга илгин.

Айтнинг ким осмондин шоир бўб тушган,
Фақат Дратганим ато қилгувчи.
Гар устоз кўрмаса, ким хунаб билган,
Сўйганига Оллоҳ назар бергувчи.

Чароғбон

(Кўшиқ. Онам хотирасига бағишлайман)

Бу умр бўстонинни,
Чароғбон этган онам.
Ақл, онг уммонинни,
Дилга жо этган онам.

Юракда фармоним йўқ,
Онам борки ғамим йўқ,
Бир онки қарорим йўқ,
Азиз инсоним онам.

Сизсиз не кечар холим,
Қалбимда арзи-долим.
Атадим бисот, борим,
Сизсиз маконим онам.

Мен-чун жон-жаҳонингиз,
Ўтар киммат онингиз.
Ҳатто жисми-жонингиз,
Сизсиз ифтихор онам.

Ўзингиз ўйламасдан,
Нафсингиз кўзламасдан.
Дукмангиз сёлмасдан,
Қиблаи гоҳим онам.

Оналиклар билмаса,
Қадрингизга етмаса.
Рўзий шерьи чакмаса,
Не қилгай жоним онам,
Шарафим-шоним онам.

Сарпо

(Отангни ўлдирганга онангни бер)

Умримда кечган шод, ношод кунларим,
Хали хануз юрагимни ўртайди.
Адам, андуҳ, ул касосли хунларим,
Ўйламай дейману, лекин кўймайди.

Бир сўз қалбимда жароҳат қолдирган,
Бу гап захри халигача ўчмаган.
“Шу қоравой ҳам одам бўлармиккин”,
Юрагимни тилиб кийма айлаган.

Аваало эл хизматида хурмат топдим,
Одам бўлиб шоирликка даъво қилдим.
Кимнидур катта оғиз ифлос сўзи,
Шу сўзнинг захрини бир умр тордим.

Хозир йўқ бўлса ҳам ўша одамга,
“Биз ҳам одам бўлдик” - дегим келади.
Канинги тирилиб келса бир дамга,
Бошдин оёқ сарпо қилгим келади.

Илик қил

Сенга ёмонлик қилганга яхшилик қил,
Гар керак ўзинг эл шамига пилик қил.
Ким катъий назар муомаланг илик қил,
Нима қилсанг ёшингга қараб қилик қил.

Ёшинг бир жойда, ёш бола шини қилсанг,
Кимнидир кўнглин қолдириб нишинг урсанг,
Келишмасанг ўз фикрингни устун кўйсанг,
Етти ўлчаб кўргин сўнгра режа қил.

Кўтла келишиб иш қилишга ўрган,
Бир, икки сўмга тортишма, тагинг кўрган.
Яратган “Берганга бераман” - деб кўйган,
Дозим ўзинг кўп шамига пилик қил.

Нима бўлса кўндан асло айрилма,
Ўз ёринг туриб ўзгага қайрилма.
Исми, жисми йўқ кимсага бойланма,
Зоти инсонга муомаланг илик қил.

Такдир чизгиси

Фигон эшитилди бир хонадонда,
Куйиб-пишиб йиғлар эди бир она.
Хаста ётган болажонни узидди,
Орузлари ўғли билан кўмилди.

Ниятлари кунфаякун бўлган она,
Унда яшаш умид бормикан яна.
Унаштирган бир кизи ҳам бор эди,
Осмон қадар умидлари ёр эди.

Афсус етолмайин орузу хавасга,
Шу ўринда фалак ўхшар нокасга.
У яшаса дунё камармиди!
Хаёт завқин сурсалар бўлмасмиди!

Юраги садпора она ахволин,
Кийсаб бўлмайди турфан холин.
Ўлгандан сўнг, ўлган йўқ чидаш керак,
Худо пешонага чизгандир бешак.

Туннида ҳам ёғду

Тирик мавжудотлар ичинда,
Ақл, онгин одамга берди.
Синалмалди инсон кучига,
Ақл, хушла неъматин терди.

Биринчидан она Ватанинг,
Сенга муқаддас гўё жонинг.
Корачикдек асра, авайла,
Юртга мухаббатинг, иймонинг.

Одам бўлиб келган сўнг инсон,
Авалло ўзига қурди макон.
Ўз уйингдир ўлан тўшагинг,
Буни зинқор унутма хар он.

Шундай тинчлик осойиш кунга,
Сабобчилар соғ бўлсин омон.
Минг офарин жаннат маконга,
Туннида ҳам ёғду порлаган.

Бўсаға

Турнакатор тизгилишиб болалар,
Анхор бўйлаб оҳиста сузишар.
Бир-бирига сув сениб кичкиришиб,
Ким ўзарга ўйнашади сузишиб.

Бу ёшликнинг ажиб хушнуд онлари,
Тирикликнинг кўнгли истак, шонлари.
Ёшликнинг завкига таъриф етмайди,
Бу инсон умрининг ёруғ дамлари.

Чўмилишиб юрак тафтин босарлар,
Уларнинг сўзлари адо бўлмайди.
Гўё еттинчи самода юрарлар,
Кулгу, хушнудлиги ҳеч аримайди.

Беғубор, беозор ажиб кунлари,
Беш кундан сўнг катта бўлиб қолишар.
Энди ёшлик, шўхликнинг яқунлари,
Катта ҳаёт бўсағада туришар.

Йўқланг ғаниматмиз

Улуғ кунлар фарзанд, набираларим,
Барчаси бувасин йўқлаб келишар.
Кўлдин келганча бир соғва билан,
Авлоднинг бошлигини кўнглин олишар.

Шўжрим барчаси хурматим қилиб,
Мендин бесўрок бир иш қилмайдида.
Буважон сиз не дунёларни кўриб,
Маслаҳатин биздин азмайдида.

Тўй-маррака ҳаммасида бош-қошман,
Яхши-ёмон кунларида йўлдошман.
Менсиз улар бирон иш қилолмайди,
Улар-чун сабри-канотда бардошман.

Улуғ кунлар фарзанд, набираларим,
Умримнинг гултожи, бебаҳоларим.
Сизлар-чун яшайман қанча жоним бор,
Шеврийг, ҳаётим, меросхўрларим.

Дўстга парвона

Канотлари синган кушдек бўзламагин,
“Бахтим кетди” - деб куюнма, йингламагин.
Яратган бор муқодинга етказувчи,
Етиммасан, яқкамасан ўйламагин.

Дўсти ёринг омон бўлса кўтаради,
Хар қандай тоғ биргаликда ағдаради.
Сени юкингни елкадин олгувчилар,
Шундай кунда ўзга ким ҳам қувватлайди.

Ака-ука бир-бирига ярамаса,
Бошига иш тушганида қарамаса.
Орадин меҳр, оқибат кетдимикин,
“Акажоним қалайсиз” - деб хол сўрмаса.

Дўсти-ёр шундай пайтга ярайдилар,
Оғирини енгил қилиш ўйлайдилар.
Кимки уни ёмонликда айбласа,
Дўстига гард кўндирмаслик кўзлайдилар.

Унутиб бўлурми

Хаёт шунчамиди муаммоларинг,
Бошима кўп ёдндринг жафоларинг.
Кўл қисқа қилди не кун кўрмадик,
Етимликни бериб қилган нидоларинг.

Не ишлар қилмадим, кийинчилиқда,
Тўйиб овқат емадик йўқчилиқда.
Ойла кўл учиди кун кўрардик,
Еган бурда нонимизга шукрликда.

Унутиб бўлурму шундай кунларни,
Юракда йингилган қасос, хунларни.
Холи қудрат кунимиз ўтар эди,
Қалбдин мунгли чиккан нидо, унларни.

Ёш эканмиз ким сабабчи сезмабмиз,
“Россияга қулмиз” - деб ўйламабмиз.
Мақтабда ўқиб, уззу кун далада,
Ўқиймизми, ишлаймизми билмабмиз.

Бу кунлар муҳр бўб қолди юракда,
Россия бойлиги учун керакда.
Сабр-тоқат устихонга етганда,
Истиқлол байроғин олди бешакда.

Орзу канотида

Эх! Менинг учар орзуларим,
Учиб кайта равон бўлдингиз.
Ортингиздин кўзда ёшларим,
Бахтимни ҳам олиб кетдингиз.

Орзусиз инсон мевасиз дарахт,
Уда келажакнинг меваси.
Орзусиз одам маст ёки қарахт,
Кизикиши йўқ натижаси.

Орзули одам интилиб яшар,
Хар ўтган кунини кузатар.
Олига, элга фойдаси,
Жамоат ишига хар дам шошар.

Орзусиз одам бежанот куш,
Унда бўлмас ақи ила хуш.
Орзу рўёбга чиксин десанг,
Осмонларда норма пастга туш.

Орзу туфайлидин хаётинг,
Хур Ватанинг бўлсин канотинг.
Орзу билан яшайди ўзбек,
Келажакнинг, бахт-саодатинг.

“Беговат” хангомаси

У даврлар техникумда ишлар эдим,
Насиб тортиб Беговатга борган эдик.
Машинамда тўртговини олиб бордим,
Мотор ўчиб ярим йўлда тўхтаб қолдим.
Беговатга бир машина тортиб борди,
Такдир экан яхшилик бурнимни ёрди.

Улар еб-ичдилар мазза қилдилар,
Мендин хол-ахволни насия билдилар.
Эрта сахар курук ваъдани бериб,
Тошкент қайдасан йўларга тушиб.
Биздин хабар олур одам бўлмади.

“Йг ётиш, мирза туриш” холим сўрмади.
Шу ахволда олти кун қолиб кетдим.
Пичок ҳам устихонга бориб етдим.

Мендин хол сўрурга мард топилмади.
Яхшилигим бирон одам билмади.
Еттинчи кун бир мусулмон топилди,
Машинасида Тошкентга тортиб келди.
Беговатдин тошбака юриш қилиб,
Олти соатда Тошкентга келди тортиб.

Бегона юртда машинамда ётдим,
Оёк, кўлим музлаб совуққа қотдим.
Еттинчи кун ишимга борганимда,
Менга огоҳлантириш берилганида...

Шундай каттик изтиробга тушганим,
“Яхшиликнинг орти тешик” билганим.

Хали хануз қалбимда ўша алдам,
Шу учун юрибман бардошли одам.

Тўқислик

Хайт кизик синоатларга тўла,
Сал дашсанг бошинг қилгулар пўла.
Минг қочмагин, минг ўзингни яширма,
Пешонага битилгани албатта бўла.

“Пешонада бори бўлур” - деб қутма,
Ассойси меҳнатлигин унутма.
Япаш тарзи билсанг меҳнатинг дандур,
Меҳнатинг кучингни бекорга сотма.

Қадрига ет топган даромадингни,
Вақтида тўғрида камомадингни.
Тежотлик иш доим бежотлик бўлай,
Яхши кунга йиккин буромадингни.

Топганинг фақат яхши кунга буворсин,
Ёмон кундин Яратганим асрасин.
Меҳнат бонисдин оиланг тўқис,
Яхши кунга ниятларинг холис бўлсин.

Рамазон тўфайли

Хайр энди моҳи Рамазон,
Билки сенга бут бўлди иймон.
Бани башар кўнглини чоғлаб,
Хуш келибсан хайит ардоқлаб.

Бир ой рўза тутган покланиб,
Ортиқча юк ташлаб, тежланиб.
Сихатлиги маромга тушар,
Янги зафарларга чоғланиб.

Рўза туттиб Яратган Учун,
Фахр ила юрмайлик нечун.
Бу кунга ким етди-етмади,
Тутмаганлар завқин билмади.

Худойимнинг берган хикмати,
Бу кунчалик йўқдир химмати.
Бир ой чидаб рўза тутганга,
Тангриийимнинг кўлдир раҳмати.

Худо йўлига тутганингиз,
Иймонда собит турганингиз.
Йилда бир ой сабу-каноят,
Билинг Тангрига ибодатингиз.

Бурлиш

Бир нидо келдиким шарку-мағруфдин,
Сенда шорликнинг бир аломати бор.
Не-не ижодкорлар пимол-жанубдин,
Менда ҳам уларнинг шижоати бор.

Ёшлигимдин бу хислатни берди Худо,
Шербу, кўшикни куйладим жуда аъло.
Бу хисларим шорликка фатво берди,
Яратгандин юрагимга келди садо.

Уша-ўша қаламимни тебратаман,
Бағритошни тош юратин инграгаман.
Кўлда торим ҳамохангдир ҳамдамимдир,
Шербаримни кўшик қилиб сайратаман.

Бу икки истеъдодни Олпоҳ берди,
Шербият бўстонидин гуллар терди.
Кексалигим беиз, нотавон бўлмай,
Сўнмас ижод сари қалб-диллим бурди.

Ўзига хавола

Ҳаги биз билмаган сирлар қанчалар,
Бу оламнинг минглаб мўъжизаси бор.
Қанча билсак, билдинг камдир шунчалар,
Ҳар нарсанинг чеки, ниҳокси бор.

Бу дунёлар бежизга ярамлаган,
Бирон нарса абадий берилмаган.
Бошланиши ҳам тугалланиши бор,
Тирик одам ўлишин ўйламаган.

Бу дунё қачондир бошланганлигин,
Унинг поёнини қайда тугашин.
Одамнинг қанча умри қолганлигин,
Ҳеч ким билолмаган қанча яшашин.

Буни фақат Худойимга боғладик,
Ҳар ўтган кун осойишта чоғладик.
Беш қуллик дунё ўзига хавола,
Ўзимизни қийнамайлик саволда.

Уволи

Севги - деган шундай туйғуки,
Кўзга кўринмас, кўлга илинмас.
Домига тушиб колса кимки,
Тузокка тушган кушдек ўнганмас.

Бошда ташвиш ортавереди,
Аробасин тортавереди.
Дек чилпарчин бўлиб хаётинг,
Бола-чака коллавереди.

Бола-чака кўзга кўринмас,
Кўзларингга уйку илинмас.
Сени сарсон этган у гўзал,
Сув босса тўпингга чикмас.

У билан бир ёкли бўласан,
Уйингда гул эдинг сўласан.
Эс борида аклинг йингмасанг,
Давом этса бир кун сўнасан.

Нима бўлди тушунмасингдин,
Чапдан ўнганга ўнганмасингдин.
Умр поёнига етади,
Уволи ёкангдин тутлади.

Ифтихор ва ачинниш

Кўнгли торларим бу кун чалинди,
Мустакил юртимда тараддуд байрам.
Дунёларга чикди, беҳад танлиди,
Чиройига чирой кўшилди бирам.

Хориждан келмоқда бирга бўлгани,
Кўшма корхона, шартнома тузгани.
Барчаси она юрт равнақи учун,
Тил ўраниб меҳрла тиллашгани.

Оламда кераги тинчлик эканин,
Хар киши ўради неки эканин.
Бу жаннат маконда барча баробар,
Танлаш хужуқи бор дилга ёканин.

Бу юрт барчамизга ошён таянчдир,
Кимдир йикилса меҳрибон суянчдир.
Шундай юртни ташлаб қайларга кетдинг,
Чеглаги ўзбеклар холи аянчдир.

Уйи дунё экан

(Қизим Муножаатга)

Шундай ҳаётдан норози бўлсангиз,
Бундин ортқ нима ҳам керак сизга,
Истиқлолдин эркин нафас олсангиз,
Сикилмоқлик нечун кераклир сизга.

Сўрадим юзингизда табассум йўқ,
Ҳаётдан ризолик хушнуд, тиним йўқ,
Кайнонам ҳар кун асаб бузадн,
Шу боис турмушда ўсиш, унум йўқ.

Турмушпидин нолир ҳар дам бу аёл,
Оилада яшаш, турмушн халол.
Ҳам давлат ишнини уй ташвишини,
Барчасига бағардон, келмайди маллол.

Икки кизи ўғилларга қарайди,
Мақтаб, боғчага ок қовиб тарайди.
Шунда ҳам норизо қайнонажонн,
Уйи дунё экан тиним билмайди.

Ҳўжайинни ишпидн келгунинча,
Еб ичириб, ювиб-тараб ётқизгунча.
Ҳеч тиними бормикин бу аёлни,
Бир нафас бахш этинг тинчлик, ҳаёлни.

Сафо

(Тепарда бир кун)

Бўстонликнинг гўзал бир масканига,
Сайру-саёҳат қилиб борганимда.
Тепар қишлоғининг Тепсан сойида,
Хайратдан ёкамни ушлаганимда.

Бешта тоғнинг ўртасида жойлашган,
Учбулоқлин келган сувга мослашган.
Хавоси бирам тоза танга ёқар,
Тоғ тағидин қуёш қулиб нур сочар.

Бундай тоза хаволи жой кўрмабман,
Афсус барчасин симириб ичмабман.
Ажойиб манзара баҳри-дн очар,
Нечун шундай жой борлигин билмабман.

Одамлари пойнигга кўй сўяди,
Чин меҳр берсангиз дилдан сўяди.
Дўст бир жойн ногоҳ шилиниб қолса,
Юрак-бағри ўртанади қуяди.

Дек тан бердим бундай зилол хавога,
Ҳар нафасинг жўр бўлгандир навога.
Бир кунга бўлса ҳам қалбдин покланиб,
Жаннат ҳам тенг бўлгилмас бу сафога.

Қалби күйшги аёл

(Асагларичи аёл Рўзбўтул Эсонбоевага бағишланади)

Тепар кишлоқ бағрида,
Бир ажойиб маскан бор.
Эсон боёбо авлоди,
Яшар Оллоҳ мадаккор.

Унда Рўзбу, Меҳридин,
Оғласи ҳамжихат.
Истиклол шарафидин,
Шўкрона килгур роҳат.

Меҳнатдан бош тортишмас,
Ҳеч ким билан айтишмас.
Ўз ишини билурлар,
Тангрига шўкр килурлар.

Бир-бирига хурматда,
Ҳамиша бўлур иззатда.
Набиралар йнғилиб,
Туриа катор тизилиб.

Бирга ош килишади,
Меҳнат хуш кўришади.
Эрта, сахар туришиб,
Ишига кетишади.

Хўжайини Меҳридин,
Афғондин омон қайтди.
Қалбда йнғилган дардин,
Рўзбу ёрига айтди.

Шўкрлар килди Рўзбу,
Соғ-омон кўрганнга.
Ахир дилда бори у,
“Худо” - деб қайтганнга.

Бошидин ўтган кунлар,
Бу кун ортида қолди.
Кўнглига олмай хунлар,
Меҳнат ишқикида ёнди.

Унча Рўзбу тун-кун,
Фермада сигир соғди.
Авайлаб барчасини,
Ҳар кун парвона бўлди.

Тепсансойдек маскандда,
Асал этиштиришар.
Беш қоя ўртасида,
Арсини боқишар.

Ҳар қандай касалликни,
Гриҳла даволашни.
Қасби қори этишган,
“Доривор” - деб йнғилган.

Асагларичи аёл,
Меҳнатқаш Рўзбўтулдир.
Оғла, барча рўзгор,
Эрта-кеч ҳаёлидир.

Сигир, куй, эчки-улоқ,
Оғларга ҳам қарайди.
Иш асосий машғулот,
Дек меҳмон улғғайди.

Бир аёлнинг меҳнати,
Бўлса шунчалик бўлар,
Зарра йўқдир миннати,
Одам-чун жонин берар.

Яшасин азиз аёл,
Сенсиз ҳаёт не кечар.
Заҳматинг туфайлигин,
Битмаган ишлар битар.

Мен кўп дунёлар кўрдим,
Дек сиздегин кўрмадим.
Агар сиз бўлмасангиз,
Бизлар ким ҳам бўлардик.

Шундай аёл соғ бўлсин,
Рўзбугўлдир тимсоли.
Қалби куёшга тўлсин,
Тинчликгадир ҳаёли.

Асл Химмат

Ўзбекиннинг улўф одаги,
Меҳмон кутиш бахт-саодати.
Катта-кичик танламас сира,
Кузатилар тўлаб йўлқира.
Бу ўзбекиннинг асл химмати.

Меҳмон келур эшикдин даяр,
Ризки келур тешикдин даяр.
Беш, олти хил килинур таом,
Сўнгра жавоб берур вассалом
Бунда бордир ўзбек хикмати.

Аёллари суҳбати кизур,
Эркаклари “курғур” ни эзур.
Охирида сузилади ош,
Марҳамат энг кўтармайин бош.
Палов бўлур меҳмон иззати.

Ош еган сўнг кузатилади,
Сарполарни кийдирилади.
Эркаклари “капот” устида,
Битта “курғур” бўшатилади.
Бу ўзбекиннинг асл химмати.

Бирон халқда бундай одаг йўқ,
Бағди-дил очик, юракда чўғ,
Улар-чун меҳмон атою Худо,
Сира бўлмас меҳмондин жудо.
Бу ўзбекиннинг бахт-саодати.

Битта севги, битта турмуш

Гоҳо ўзим саволга тутиб,
Кўйди-чингли кетди кўпайиб,
Хафалиқлин баъзан тўтоқиб,
Бобоқалон момоқаримиз,
Битта турмуш билан ўтган-ку!

Ўзбекликка хосми бу русум,
Йиғлаб қолиб оналар юм-юм,
Ўзгартириб бамисли костюм,
Оталарим, оналаримиз,
Битта турмуш билан ўтган-ку!

Бахтли яшаб бола-чақали,
Мангу қадар хаё, ибодли,
Бир-бирига ахлу-вафоли,
Акаларим, онажонимиз,
Битта турмуш билан ўтган-ку!

Пойабзалдек ўзгартирарлар,
Кийим мисол алмаштирарлар,
Европадан ибрат олурлар,
Бу сизгамас ўзбекларимиз,
Битта турмуш билан ўттингиз!

Қанча кутиш мумкин

Сув бўйида кўш терак силкинади,
Мени кўриб севганим беркинади,
Белларига кўл солсам оху мисол,
Тож ургандай шу онда сесканади.

Бу охутга йўл топиш амри-махол,
Билмам қачон насиб қиларкан висол,
Беҳад кийин экан кўлга ўргатиш,
Қутаркансан ёр бўлгунча бемалоқ.

Шу, шу қордим охучамнинг куйида,
Маск бўлибман хар кўрганда бўйида,
Шу зайдда масгу-власт юрибмиз,
Билмай қолиб шохид бўлдим тўйида.

Югурганим, бюжурганим шу экан,
Хар киши ўраркан нимаки экан,
Тўғрида сени қанча кутиш мумкин,
Қута-қута мажбур ўзага теккан.

Чора йўк

Майин эстан шаббодалар,
Санамимдин хат келтир,
Унуглими набодалар,
Очигини айтиб кетгин.

Кутгиш жонга тегиб кетди,
Юрак-бағрим эзиб кетди.
Даратини билолмасдин,
Жон-жонимдин ўтиб кетди.

Ахвол сўраб рад жавобин,
Берса хафа бўлмас эдим.
Интизор соғинчлар дотим,
Шеърда баён қилмас эдим.

Қараши жонимни ёккан,
Умидлар эшигин коккан.
Соғинчдан ўзга чора йўк,
Қалбим занжирибанд этган.

Зафар

Асли зотим сўрсангиз,
Ўзад Бўстонликданман.
Қишлоғимни билсангиз,
Ўзад Хондайликданман.

Туғилдим шу ўлкада,
Суронли даврларда.
Зарра тулпрок тошида,
Дарахту, сарварда.

Тирикчилик ниҳоят,
Қийин амри маҳолдир.
Мен тенгқурлар барҳаёт,
Қўшари бемажолдир.

Харакат қилган ўлмас,
Харакатдан барокаат.
Ранги-рўйи сомон бўлмас,
Кутди келур фароғат.

Урушдин сўнгги йиллар,
Ниҳоят қийин бўлди.
Умидсиз чўккан диллар,
Фигондин кўксин тилди.

Шукрим яшаб колдик,
Кувват йўк тинка толдик.
Кетганлар кетиб колди,
Биз эса умид олдик.

Рус даврида етмиш йил,
Ишладик-у бўғилдик.
Очилган сўнг равон йўл,
Истиқлолдан руҳландик.

Рўзи Очил шукр кил,
Одамгарчилиқни бил.
Бахт тоьле зафар келди,
Кўриғида мангу тур.

Бундай замон бўлмаган

Хиёнатни кўйинг азиз инсонлар,
Бу ёруғ жаҳонда тоза яшангиз.
Қадрига етингиз хар тинчлик онлар,
Шукронада ёшингизни яшангиз.

Азизларим бундай замон бўлмаган,
Одам бахти бўгунчаллик кулмаган.
Дастурхонинг тўла ризки-рўз тўқис,
Бизларданмас бу кунлар кўролмаган.

Юртимизда фақат тинчлик, тўй бўлсин,
Ишла роҳатин кўр, кўшик-куй бўлсин.
Хар инсоннинг севгани бир ёр бўлсин,
Ким нолиса бу кунларга зор бўлсин.

Энди алёрингни айт қалбдан куйла,
Энди бу хур замонни тўйиб сўйла.
Дунёвий илмда, фанда, билимда,
Булоқ чўккиларни забт этиш кўзла.

Беминнат нур

Офтобим борликка нурларин сочиб,
Табиат гуллатиб сарафроз айлади.
Мавжудоту, гулузорлар гуллатиб,
Оламни чиройта буржаб соз айлади.

Буткул кушлар гужгон отиб сайрашар,
Болажонлар тиним билмай ўйнашар.
Имкон топиб бахаволи жойларга,
Хорлик олиб тоғу-тошда яйрашар.

Куёшнинг нурида кўп бор тобланишлик,
Танангизда иллатларни йўкотар.
Касаг бўлмай сихатликка юришлик,
Хазрат инсон соғлигига аскотар.

Куёшнинг нуридан қочманг симиринг,
Имкон бўлса вақти билан тобланинг.
Танангизга керак элементлар олиб,
Беминнат нуридан руҳан тикланинг.

Ўзга ҳаққи

Кўпни ҳаққиға хиёнат қилиб бўлмас,
Триқликда тўймаган афсус тўймас.
Танангга ўйла, нахот тешиб чиқмас,
Ўзга ҳаққи молингга, ё жонингга урғай.

Келгани фойда, қирган ғанимат дединг,
Текин бўлса бўғзингга қадар единг.
Бемор ётганингда пушмонлар қилдинг,
Ўзга ҳаққи молингга, ё жонингга урғай.

У нарса вақтинчалик хушнуд қилғай,
Ўнг-чашга қарамас секин ағдарғай.
Бир кўни кўтариб қилшарчин урғай,
Ўзга ҳаққи молингга, ё жонингга урғай.

Вақтинчалик дилхушликка алданма,
Қимнидир бисотига кўз олайтирма,
“Бойиб кетибди” - хаёдан ўтказма,
Ўзга ҳаққи молингга, ё жонингга урғай.

Меҳнат қилган, ҳалолдин сўрагин,
Кўлингдин келадирган иш кўзлагин.
Бир онлик лаззатдин мамнун бўлмагин,
Ўзга ҳаққи молингга, ё жонингга урғай.

ЖУДОЛИК

Хар йили хотира кадрлаш куни,
Опажон кабрингиз зиёрат айлаб.
Шу сабаб тонгтача ухламай туни,
Сизга бўлган меҳри жоним ардоқлаб.

Жиянларим буни яхши билишар,
Тоғасини эхтиромин қилишар.
Шунга ҳам "юз шукр" - дейман тоҳида,
Бир йилда бир марта йўқлаб туришар.

Опам ўлди, меҳри қолди дилимда,
Сиймоси ҳамиша ўнгу-сўлимда.
Бирга ўстандик руҳи покларни,
Тургандай бўлади кўллаб ёнимда.

Кани билганимда руҳлар оламин,
Опам армонларин билган бўлардим.
Якка қолган фариб ука аламин,
Айтиб, сўйлаб аламиндан чиқардим.

Сизни йўқлигингиз каттик билинди,
Жиянларим меҳри йироқ кўринди.
Тўрт йил бўлди, сизсиз қорак яроман,
Рўзи Очил бағри хазон эзилди.

ЎЗ УЙИНГ-ЎЛАН ТЎШАГИНИГ

Ажиб замон келди қадрдон,
Шукронасин сўйла суҳандон.
Хар тўшада қулги-ю хандон,
Бир-бирига бўлиб бағардон,
Оқибатдин юксак нима бор.

Хурмат қилиб хар бир одамни,
Эхтиромда ўтган хар дамни.
Эста тўша кўзларда намини,
Унутаиллик ўтқинчи ғамни,
Ўзбек элда юксак кўкрак бор.

Бу давронга етмаганлар кўп,
Чет элларда панд еганлар чўп.
Қалай экан хориж тузи-хўп,
Жаннат макон тушроғингни ўп.
Она юртдан ортик нима бор.

Не бўлсак хам элда бўлайлик,
Она юртга меҳр берайлик.
Истиклол нашьасин сурайлик,
Тобутдошлик хиссин туйайлик.
Ўзга юртда сента нима бор.

Тўққандин афзалларим

Кўнгили яқинлигини қаранг дўстларим,
Паркенту азимга равона қиллар.
Хурмат, иззатим бошга қўйганларим,
Эҳтиромга менга парвона бўлар.

Унда мени кадрдонларим бисёр,
Бегонаси йўқ барчаси дўст-ёр.
Одамтарчилиги беҳад намоян,
Бетараз, камсукум, камтарлари бор.

Жон бахшида этар Пўлатжон акам,
Шеъримга мухлис Абдуғани акам.
Ҳам улфатим, кадрдон жигаримдай,
Мирсалим, Сотволди, Азамат акам.

Тоир акам камтарин азиз инсон,
Абдусамад акам ўз иштин билдур хар он.
Худойберган акам сўйлаб чарчамас,
Тошпўлат ўзига хушёр багардон.

Шунглай кадрдонлар дийдорлашгали,
Мени таклиф этар ҳамдамлашгали.
Шеъриятим, санъатим мухлислари,
Яхши дўст-чун Рўзий жон фидо этгали.

Худо десанг

Одамга барча нарса керак,
Яхши-ёмон кўнига бешак.
Бир кам дунё барчаси керак,
Уйла нечун силкинур терак.

Хар холда ўзингда бори яхши,
Тўй-маърака ишинг ўнг нақши.
Бежиз айтмади шoir бахши,
Бўла туриб йўқ деса акси.

Ўзбекни билинг тадбири кўп,
Тўйига одам келгай тўп-тўп.
Ўзингдин чикса хаттоки чўп,
Хушнуд, бегубор бўлдурсан хўп.

Бор бўлса ҳеч кимдин сўрмайсан,
Мухтожлик нелигин билмайсан.
Зарурликдан сўраб чикмайсан,
Ҳеч кимга мутх-зор бўлмайсан.

Худо десанг беришдан қисмас,
Бир кам дунё муҳайё бўлмас.
Эсиз кўшни, агар ким бермас,
Тобутдошлик хурматин билмас.



МУНДАРИЖА

Кўрган-кечирганларим.....	3
Хам куйгувчи, хам суйгувчи.....	5
Айланай.....	6
Истиқлол байроғи.....	7
Табаррук ер.....	8
Таккослаб.....	9
Халқ назмидадир.....	10
Кўлтиқлаб юрғай.....	11
Кеб коларсиз.....	12
Доғин кўрсатма.....	13
Болағма деб.....	14
Асал деган билан, Оғиз чўчимас.....	15
Элпарвар юрт.....	16
Фарқ.....	17
Бошқача эди.....	18
Тухфа.....	19
Бўлсанг бас.....	20
Кеч колдинг.....	21
Мухаббат ўтиди.....	22
Вафодан сўз очса.....	23
Мангу дoston.....	24
Илтижо.....	25
Нега алмацди.....	26
Ўкинг, укинг.....	27
Армонларим рўёби.....	28
Зиёкор куш.....	29
Э вох! Қайдасан ёшлик.....	30

Ён кўшиниғжон кўшни.....	31
Ота рози -Худо рози.....	32
Енгилмас она.....	33
Она тушроққа шак келтирма.....	36
Нечун кандамиз.....	37
Ибрат ол, фойда.....	38
Ғойибдан келган бахт, бахт эмас.....	39
Халик.....	40
Нафс.....	41
Ўлан тўшак.....	42
Ёшлиқдан ўргат.....	43
Тобланиб.....	44
Бир кунмас, бир кун.....	44
Олға қадам.....	45
Изини кўзга суртиб.....	46
Рахмон йўли.....	47
Тўйди демаскан.....	49
Сиссатг, конун эпизак.....	50
Хеч ким етмади.....	51
Таниёлмайман.....	52
Бир бора кезсин.....	53
Бирдек ярагланмиз.....	54
Ўрчанмас.....	55
Соғинч ўртамас.....	56
Билмам қачон.....	57
Бўлмас.....	58
Ваъда бир, Расул барҳак.....	59
Тиник яша.....	60
Инсон шундай.....	61

Фарз.....	62
Уйку ғафлат.....	63
Дил тори тортилганда.....	64
Отаси бир.....	65
Вақтинг кизганма.....	66
Асагой хуш келдинг.....	67
Дур.....	68
Пинхон ниятлар.....	69
Дард.....	70
Бугунги ишни эртага кўйма.....	71
Сени йўқлаб.....	72
Бажарилмас ваяда.....	73
Нонни кўзга суртиб.....	74
Ёшлик давронлари, Кексалик армонлари.....	75
Бўлмасмиди.....	76
Майл.....	77
Ёруғлик.....	78
Уйлаганинг бўлмас.....	79
Бедодлик.....	80
Яккалик.....	81
Вижлонига хавола.....	82
Хамдард.....	83
Аввал фикр қил.....	84
Ихлосим.....	85
Тасаввур.....	86
Холисона.....	87
Беш юз йил гуллатиб.....	88
Фамхўр.....	89
Ох!.....	90

Бегараз ва соз.....	91
Хисса.....	92
Муносиб.....	93
Рўза сабр канотдир.....	94
Вижлон.....	95
Оташ ёкиб.....	96
Махсул.....	97
Тутён.....	98
Сарҳисоб.....	98
Кўзойнак.....	99
Таппла.....	100
Тан бериш йўк.....	101
Ботгувчи бўлма.....	103
Хикоят.....	104
Булбул навоси.....	105
Авлод давом этмоқда.....	106
Исломиий удум.....	107
Синюв.....	108
Ўтқинчи мухаббат оташи.....	109
Истагинг бўлмас.....	110
Юз бора шукр.....	111
Ўзининг наздида бўл.....	112
Эхтиёт бўл.....	113
Шоирлик меҳнат билан.....	114
Чароғдон.....	115
Сарпо.....	116
Илик қил.....	117
Такдир чизгиси.....	118
Тундида ҳам ёғду.....	119

Бўсаға	120
Йўқланг ғаниматмиз	121
Дўста парвона	122
Унчуб бўлурми	123
Орау канотида	124
Беговат хангомаси	125
Тўқислик	126
Рамазон туфайли	127
Бурилиш	128
Ўзига хавола	129
Увол	130
Ифтхор ва ачиниш	131
Уйи дунё экан	132
Сафо	133
Қалби куёшли аёл	134
Асл химмат	137
Битта севги, битта турмуш	138
Канча куттиш мумкин	139
Чора йўқ	140
Зафар	141
Бундай замон бўлмаган	143
Беминнат нур	144
Ўзга хакки	145
Жулдолик	146
Ўз уйинг ўлан тўшагинг	147
Тужжандин афзалларим	148
Худо десанг	149
Муңларика	150

Рўзи Очил

ЕНГИЛМАС

Она

Шеврлар

Адабий-бадний нашр

«NAVROZ» нашриёти. Лицензия № А1.170
Көгоз бичими 60x84/16. Шартли б. т. 7.

«Munis design group» МЧЖ босмахонасида чоп этилган.
Босишга рухсат этилиди 27.07.2015. Буюртма № 29
Көгоз бичими 60x84 1/16. Times тарнитураси.
Шартли б. т.-9.25. Адали 200 нускада.
100170, Тошкент ш., Дўрмон йўли кўчаси, 25-уй.